

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди \_\_\_\_\_  
Олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги  
2019 йил “14” 08 2019 йил “4” 10



**ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БОШҚАРИШ**  
**ФАН ДАСТУРИ**

- Билим соҳаси:** 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва хуқуқ  
**Таълим соҳаси:** 230 000 – Иқтисод  
**Таълим йўналиши:** 5230900 – Менежмент (хизматлар соҳаси)

Тошкент – 2019

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2019 йил “17” 08 даги 4-сон баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил “4” 10 даги 892 -сон буйруғи билан маъқулланган фан дастури таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:** Усмонов Б.Ш. -“Тошкент” РҒБ бошқарув кенгashi раиси  
(*кадрлар буюртмачиси*)  
Эрматов Т. ТМИ “Менежмент” кафедраси доценти,  
и.ф.н., (*таянч ОТМдан*)  
Ачилова Ш. -ТМИ “Менежмент” кафедраси  
ўқитувчиси. (*таянч ОТМдан*)

**Тақризчилар:** Абдураимов П.Т. -“Ўзсавдоускуналари” илмий ишлаб  
чиқариш МЧЖ раиси. (*кадрлар  
буюртмачиси*)  
Шоназарова Г. -ТДИУ, “Менежмент” кафедраси  
ўқитувчиси, и.ф.н. (*турдош ОТМдан*)

Фан дастури Тошкент молия институти Кенгашида кўриб чиқилган ва  
тавсия қилинган (2019 йил “05” 07 даги 11 -сонли баённома).

## **I. ЎҚУВ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЛЬИМДАГИ ЎРНИ**

Ушбу фан таваккалчилик ва уни ривожланишининг асосий босқичлари, унинг моҳияти ва мазмуни, турлари, таваккалчиликни бошқаришнинг асосий жиҳатлари ва тенденциялари, унинг таснифланиши, таваккалчиликни бошқариш стратегияси, сиёсати ва тактикаси, таваккалчиликни молиялаштириш манбалари, ахборот ва таваккалчилик, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, таваккалчилик даражасига таъсир қилувчи ички ва ташки омиллар, таваккалчилик кўрсаткичлари, персонални бошқариш тизимида таваккалчилик, хежерлаш ва унинг риск даражасини камайишига таъсири, хизматлар соҳасида таваккалчилик каби мавзуларни қамраб олган.

Таваккалчиликни бошқариш миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган корхоналарнинг риск даражалари, унинг бошқариш тизимини тузилиши, корхона даражасида бошқариладиган таваккалчилик, корхоналар даражасида бошқарилмайдиган таваккалчиликлар билан долзарб аҳамиятга эга.

## **II. ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ**

“Таваккалчиликни бошқариш” фанини ўқитишнинг мақсад - келгусида юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган талабаларда менежментда таваккалчиликни бошқариш, уни шлаб чиқариш жараёнини бошқаришни ўргатиш асосида уларнинг етук ва юқори малакали мутахассис бўлишларини ҳамда олинган билимлари асосида ўқиш ва илмий изланишларини давом эттиришларини таъминлаш, йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришdir.

Фанинг вазифаси - менежментда таваккалчиликни бошқариш, уни ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда амалий ва назарий тамойиллари, таваккалчиликни бошқариш даражасини баҳолаш, йўқотишлар турлари ва уларни чеклаш, таваккалчилик даражасини рақамли баҳолаш ва уларни ҳисоблаш усуслари, таваккалчилик даражасини пасайтириш ва уни олдини олиш омиллари, суғурталаш асослари ҳақида назарий-амалий билимларни ўргатишдан иборат. Ушбу фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қуидаги талаблар қўйилади

### **Талаба:**

- таваккалчиликни бошқариш ишлаб чиқариш фаолияти;
- ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган менежерлар функциялари;
- бошқариш фаолият ходимлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

- ишлаб чиқариш фаолиятини тузилишини ташкиллаштириш;
- меҳнат жамоаларида ходимларни бошқариш;
- ташкилотлар ривожланишидаги замонавий тенденциялари хақида ***билиши ва улардан фойдалана олиши*** ;
- бошқарув меҳнатини илмий ташкил этиш;
- раҳбар ўзини-ўзи бошқариш;
- менежер фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш;
- меҳнат жамоаларида ходимларни бошқариш ***ҳақида масаввурга эга бўлиши***;

- таваккалчиликда бошқарув усулларидан фойдаланиш;
- режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш, мувофиқлаштириш;
- бошқарувда ахборотлар ва коммуникациялардан фойдаланиш;
- корхона салоҳиятини бошқариш фаолиятини таҳлил этиш бўйича ***кўнікмаларига эга бўлиши керак***.

### **III. ФАННИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАМДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ**

Фанни ўқитишида интерфаол, коммуникатив, перцептив ёндашувлардан максимал даражада фойдаланиш, ўқув адабиётларидан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, журналлар, интернет манбаларидан ўзлаштирилган билимлар мажмуасини амалиётда кузатилаётган далил ва ходисаларга боғлай олиш, олинган натижаларни баҳолаш, таҳлил қилиш орқали касбий фаолият учун зарур бўлган билим, малака ва компетенцияларни инновацион тафаккур лаёқати негизида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўқув машғулотларини лойиҳалаш жараённида:

- мезонни танлаш;
- ўқув мақсадларини тоифалаш;
- ўқув материалларини модуллаштириш;
- уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш;
- ўрганиш натижаларини аниқлаш каби омилларга қаратиш орқали таълим олувчида назарий билимлар пухта эгалланиши ҳамда уларни амалиётда қўллаш кўнікмасини шакллантириш, мустақил таълимни самарали ташкил этиш талаб этилади.

## **IV. АСОСИЙ НАЗАРИЙ ҚИСМ (МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ)**

### **ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БОШҚАРИШ**

#### **1-модул. Таваккалчиликни бошқаришнинг назарий асослари**

##### **1-мавзу. “Таваккалчиликни бошқариш” фанининг тушунчаси, моҳияти ва мазмуни**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастуридан келиб чиқиб фаннинг предмети, мақсад ва вазифалари, Таваккалчиликни бошқариш тушунчаси ва унинг моҳияти. Таваккалчиликни бошқаришни вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари. Таваккалчиликни бошқариш назарияси концепцияси ва унинг эволюцияси. Таваккалчиликни бошқариш тушунчаси.

##### **2-мавзу. Таваккалчиликни бошқаришнинг асосий жихатлари ва тенденциялари**

Таваккалчиликни бошқаришнинг асосий мақсад ва вазифалари. Таваккалчиликларни бошқариш функциялари. Таваккалчиликни бошқариш тамойиллари, рискларни бошқариш соҳаси. Бошқарув обьекти, бошқарув субъекти.

##### **3-мавзу. Таваккалчиликни таснифланиши**

Таваккалчиликни таснифлашнинг умумий принциплари. Таваккалчиликнинг пайдо бўлишининг турли омиллари ва оқибатларининг табиати бўйича таснифлаш. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фирмаси фаолиятининг рисклари.

##### **4-мавзу. Таваккалчиликни бошқариш стратегияси, сиёсати ва тактикаси**

Таваккалчиликни бошқариш стратегияси. Таваккалчиликни бошқариш сиёсатининг асосий шакллари. Тактик рискларни бошқариш.

##### **5-мавзу. Таваккалчиликни молиялаштириш манбалари**

Таваккалчиликни молиялаштириш зарурати. Таваккалчиликни молиялаштириш принциплари. Таваккалчиликни бошқаришда

молиялаштириш манбалари. Молия, молиявий назорат, молиялаштириш, таваккалчиликни молиялаштириш, молиявий таваккалчилик, қимматли қоғозлар, кредит таваккалчилиги, фоиз таваккалчилиги, валюта таваккалчилиги.

## **6-мавзу. Корхона даражасида қарор қабул қилишда таваккалчилик ва унинг кўринишлари**

Қарор қабул қилиш жараёнида таваккалчилик. Корхона рискларини бошқариш тизимининг тузилиши. Корхона даражасидаги рискларни таснифлаш. Корхона даражасида бошқарилмайдиган рисклар. Корхона томонидан бошқариладиган рисклар. Таваккалчиликда иқтисодиёт босқичларида қарорларни қабул қилиш. Тармоқ (тармоқ ичидаги) қарорлари ва таваккалчилик.

## **7-мавзу. Таваккалчилик ва ноаниқликда бошқарув қарорларини қабул қилиш**

Бошқарув қарорларининг тушунчаси ва мохияти. Бошқарув қарорларинитайёрлаш, қабул қилиш ва амалга ошириш тартиби. Таваккалчилик зоналари ва ноаниқлик холатлари. Рискларни бошқариш тизими. Рискларни бошқариш тизимида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши усуллари.

## **2-модул. Таваккаличиликни бошқаришга қўйиладиган талаблар**

## **8-мавзу. Ахборот ва таваккалчилик, уларнинг ўзаро боғлиқлиги**

Ахборотлар орқали таваккалчиликни бошқариш. Янги технологияни жорий этиш. Таваккалчилик даражаси. Ахборот, ахборот алмашиш жараёни, ахборотнинг ишончлилиги, ахборотларни филтрлаш, бирламчи ва иккиламчи ахборотлар, коммуникация, технологик ўсиш, ахборот таваккалчилиги. Бошқарувда ахборот таъминоти, ахборот таъминотининг таркиби қандай омиллардан ташкил топган, оператив бошқаришда ахборотларнинг, ахборотлар бўйича менежерлар ва уларнинг вазифаси. Менежментда ахборотдан фойдаланишнинг босқичлари.

## **9-мавзу. Таваккалчилик даражасига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар**

Таваккалчилик даражасига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар. Ишлаб чиқаришнинг ички шароити, технологик таъминот, ишчи ресурслар, бозор талаби, талабни ўрганиш. Ташқи ва ички омиллар, таваккалчиликни миқдорий баҳолаш, горизонтал, вертикал сиёсий хўжалик қарорлари таваккалчилик ролини ўсишига таъсир этувчи омиллар, тармоқлар даражасидаги таваккалчиликлар.

## **10-мавзу. Таваккаличилик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуслари.**

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолияти ризк курсаткичлари. Таваккалчилик кўрсатикичларини сифатли баҳолаш усуслари. Таваккалчилик кўрсатикичларини баҳолашнинг миқдорий усуслари. Таваккалчиликларни баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш.

## **11-мавзу. Персонални бошқариш тизимида таваккалчилик.**

Персонални бошқариш тизимида таваккалчиликларнинг турлари, уларнинг таснифланиши. Персонални бошқариш тушунча ва моҳияти.

## **12-мавзу. Корпоратив бошқарув тизимидағи таваккалчиликлар.**

Корпоратив бошқарув. Таваккалчиликни бошқариш. Таваккалчиликни бошқариш стратегиялари. Қолдиқ ризк. Корпоратив баҳолаш усуслари.

## **13-мавзу. Хежерлаш ва унинг ризк даражасини камайишига таъсири**

Ризкни бошқариш стратегияси, асосий тушунчалар. Форвард ва фьючерс шартномалари. Хежерлаш модели. Ризк, ризк даражаси, рисклиник коэффициенти, ризкни бошқариш стратегияси, хежерлар, форвард шартномаси, фьючерс шартномаси, хежерлаш модели. Молиявий таваккалчиликда хежерлаш тушунчаси кенг тарқалган тушунча бўлиб, уни ўрганиш суғурталаш амалиётини ривожлантиради.

## **14-мавзу. Хизматлар соҳасида таваккалчилик.**

Хизматлар соҳасининг таснифланиши. Хизматлар соҳасида учрайдиган таваккалчилик турлари, уларга таъсир этувчи омиллар.

## **15-мавзу. Ички маъмурий таваккалчиликни бошқариш хусусиятлари.**

Бошқариш функцияларининг бузилиши ички ризк сабаби сифатида. Техник ва ишлаб чиқариш таваккалчиликларини бошқариш. Иштимоий рискларни бошқариш хусусиятлари. Психологик таваккалчиликлар. Рискларни бошқаришнинг ўзига хос усуслари.

## **V. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРЛАР БҮЙИЧА КҮРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР**

Амалий машғулотларини ўтказишда қуидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бүйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишида кўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- амалий машғулотлар нафақат аниқ мавзу бүйича билимларни якунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

Амалий машғулотлар бүйича қуидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Таваккалчиликни бошқариш” фанининг тушунчаси, мохияти ва мазмуни.
2. Таваккалчиликни бошқаришнинг асосий жиҳатлари ва тенденциялари.
3. Таваккалчиликни таснифланиши.
4. Таваккалчиликни бошқариш стратегияси, сиёсати ва тактикаси.
5. Таваккалчиликни молиялаштириш манбалари.
6. Корхона даражасида қарор қабул қилишда таваккалчилик ва унинг кўринишлари.
7. Таваккалчилик ва ноаниқлиқда бошқарув қарорларини қабул қилиш.
8. Ахборот ва таваккалчилик, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
9. Таваккалчилик даражасига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар.
10. Таваккаличилик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуслари.
11. Персонални бошқариш тизимида таваккалчилик.
12. Корпоратив бошқарув тизимидағи таваккалчиликлар.
13. Хеджерлаш ва унинг риск даражасини камайишига таъсири.
14. Хизматлар соҳасида таваккалчилик.
15. Ички маъмурий таваккалчиликни бошқариш хусусиятлари.

*Амалий машғулот мавзуларида фаннинг ииши ўқув дастурини ишилаб чиқишида қўшимча ва ўзгартиришилар киритилиши мумкин.*

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академгурухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуслар ёрдамида ўтилиши, мос равишида педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

- Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:
1. Таваккалчиликни таснифлашнинг асосий ёндашувлари.
  2. Таваккалчиликни бошқариш илмий бошқарув тармоғи сифатида.
  3. Компаниядаги рискларни бошқаришни қўйилиши.
  4. Таваккалчиликни бошқаришнинг функциялари.
  5. Таваккалчиликни бошқаришнинг мақсад ва вазифалари.
  6. Таваккалчиликни бошқаришнинг пайдо бўлиш тарихи.
  7. Таваккалчиликни бошқариш бўйича умумий ёндашувлар.
  8. Таваккалчиликни бошқаришни қўлланилиши.
  9. Таваккалчилик турлари бўйича рискларни бошқариш.
  10. Компаниядаги рискларни бошқариш.
  11. Таваккалчиликни бошқаришни ташкиллаштириш.
  12. Таваккалчиликни бошқариш қоидалари.
  13. Иқтисодий таваккалчилик тушунчаси ва моҳияти.
  14. Таваккалчиликни молиялаштириш тушунчаси.
  15. Таваккалчиликни молиялаштириш манбаларини таснифлаш.
  16. Ушлаб қолиш турлари.
  17. Захиралардан заарларни қоплаш.
  18. Ўз-ўзини суғурталаш асосида заарни қоплаш.
  19. Суғурталаш асосида заарни қоплаш.
  20. Рискларни сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилишда эътиборга олинадиган омиллар.
  21. Ушлаб қолишда рискларни молиялаштириш варианtlари.
  22. Жорий даромадлар ҳисобига рискларни молиялаштириш.
  23. Иқтисодий риск усулларини бошқаришнинг моҳияти.
  24. Расмий ва норасмий ушлаб қолиш.
  25. Рискларни узатиш.
  26. Тармоқли ва структуравий рискларнинг умумий тавсифлари.
  27. Тармоқли таваккалчилик.
  28. Структуравий таваккалчилик.
  29. Тармоқнинг умумий ҳолатини таҳлил қилиш.
  30. Рискларни бошқариш тизимида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва бошқариш усуллари.
  31. Таваккалчиликни бошқаришда ишлаб чиқариш усуллари.
  32. Компанияда рискларни бошқариш жараёни.
  33. Корхонада таваккалчиликни идентификациялаш ва таҳлил қилиш.
  34. Корхонада рискларни бошқаришнинг муқобил варианtlарини таҳлил қилиш.

*Фаннинг иши үқув дастурини ишлаб чиқишида мустақил таълим ва мустақил иши мавзуларида қўшимча ва ўзгартиришилар киритилиши мумкин.*

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

## **VII. ФАН БЎЙИЧА КУРС ИШИ (ЛОЙИҲАСИ)**

«Таваккалчиликни бошқариш» фани бўйича курс иши ёзиш ўқув режада кўрсатилмаган.

## **VIII. АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР ХАМДА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:**

1. А.В. Федорова. Риск-менеджмент для менеджеров. Учеб.пособие, . – М.: КНОРУС, 2018.
2. Риск-менеджмент : учеб. пособие / Е. А. Куликова. – Екатеринбург : Изд-во УрГУПС, 2014. – 259
3. Иванов А.А., Олейников С.Я., Бочаров С.А. РИСК-МЕНЕДЖМЕНТ. Учебно-методический комплекс. – М.: Изд. центр ЕАОИ, 2015. – 193 с.
4. Базаров Т.Ю. Управление риском. Практикум.2-е изд.Учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 239 с.
5. Котлер Ф. Основы маркетинга. Учебное пособие. 5-е европейское издание – М.: Издательский дом «Вильямс», 2016.-656 с.
6. Валерий Вяткин, Владимир Гамза, Филипп Маевский “Риск-менеджмент”, Учебник, 2-е изд. – М.: ЮРАЙТ, 2017. – 366 с.

## **ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:**

7. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 488 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 104 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 56 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-48 б.

## **ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ**

12. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

13. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)- Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.

14. [www. management.ru](http://www.management.ru) - Россия менежерлар ассоциацияси расмий портали

15. [www.norma.uz](http://www.norma.uz) - Ўзбекистон ахборот ҳуқуқий портали

16. [www.marketing.ru](http://www.marketing.ru) - Россия маркетологлар миллий ассоциацияси расмий портали

17. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) - ziyonet таълим портали

